

## In higher education "Principles of effective organization of lecture classes on the special methodology of mother tongue teaching module"

*Тешабоева Феруза Рахимовна*

*Мұқимиң номидаги Құқон Давлат педагогика институты*

*Махсус педагогика кафедрасы в.б.доценти (PhD)*

**Abstract:** In this article, the formation of professional competencies of future specialists in higher education, teaching them to use special methods effectively, and the use of a number of principles considered relevant in practice, in addition to general didactic principles, in lecture classes on teaching the module "Special Methodology of Mother Tongue Teaching" in a higher educational institution are discussed.

**Key words:** higher education, teaching, method, process, quality, teacher, principles, coherence, consistency, person-centeredness

Олий дефектологик таълимда бўлажак мутахассисларни касбий компитенцияларини шакллантириш, махсус методикалардан самарали фойдаланишга ўргатиш кенг қамровли жараён ҳисобланади. Олий таълим муассасасида “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модулини ўқитиш бўйича маъруза машғулотлари умумдидактик тамойилларга тўлиқ таянади: илмийлик, изчиллик, кетма-кетлилик, узвийлик, мослилилк, тушунарлилик, пухталилик, назарияни амалиёт билан боғлиқлиги, кўргазмалилик, дефференциал ёндашув, якка ёндашув, онглилик.

Юқоридаги умумдидактик тамойиллардан ташқари амалиётда долзарб ҳисобланган қатор тамойилларни ажратиб ўтдик. Инновацион таълим шароитида «Она тили ўқитиш махсус методикаси» модули бўйича маъруза машғулотларини самарали ташкил этиш тамойиллари қуидагилар:

1. **Прогностик ёндашувнинг устиворлиги.** Натижаларни олдиндан кўрабилган ҳолда таълим олувчи ва берувчининг ҳаракатлар кетма-кетлигини режалаштириш.

2. **Шахсга йўналтирилганлик.** Педагогик жараёнда талабаларнинг қизиқиши, ўзлаштириш хусусиятлари (аудиал, визуал, кинестет, дискрет) , тажрибалари ва ўзига хос индивидуал хусусиятларини инобатга олиш.

3. **Вазиятбоплик тамойили.** Маъруза жараёнида тақдим этилаётган маълумотларни тезкор ва тўлақонли ўзлаштириш имкониятини берувчи вазиятларни яратиш. Бундан ташқари маъруза пайтида содир бўлган турли вазиятлардан салбий оқибатларсиз, аксинча мавзуни ўзлаштиришга йўналтирилган ҳолда чиқиб кетиш. Она тилини ўргатишда тил қонуниятларини ҳаётий вазиятлар содир этган ҳолда ўзлаштиришга имконият яратиш. Ушбу

тамойил она тилининг ҳиссий-эмоционал тамонларини бевосита англаш имкониятини берувчи иммитацион воқеалар моделларини тақозо этади. Олий таълим муассасаси педагоги бу каби моделлар тўпламига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

**4. Коммуникативлик тамойил.** Ушбу тамойил маъруза машғулотини ўзаро ишончга асосланган мулоқот орқали олиб борилишини тақозо этади. Она тилини тўлиқ ўзлаштириш инсонга ўз фикрини нутқий муҳитга мос оғзаки ва ёзма баён этишга имкон беради. «Она тили ўқитиш маҳсус методикаси» модули талабага ҳам шахсий ҳаётда, ҳам касбий фаолиятда зарур бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияни эгаллаш имкониятини беради, шу билан боғлиқ равишда педагог ҳар бир мавзунинг талабаларга ҳам ҳаётий, ҳам касбий эҳтиёж эканлигини тушунтириши лозим, бунинг учун эса биз тавсия этаётган маъруза машғулотини мотивацион, информацион, инструктив, рефлексив босқичларга ажратиб, ҳар бир босқич учун мос усул ва воситаларни мақсадли танлаган ҳолда ташкил этиш кутилаётган натижаларни таъминлайди.

**5. Вариативлик тамойили.** Бугунги кунда таълим жараёнида варатив ёндашувларга устуворлик берилмоқда. Вариативлик бу кўп варантларга эга бўлишдир. Маъруза жараёнида педагогдан усул ва воситаларнинг вариацияларини тайёрлаб кўйиш тақозо этилади. Шахсга йўналганлик тамойили айнан вариативликка эҳтиёж туғдиради. Педагог қайси йўлни танламасин, талаба мавзуга оид билим, кўникма, малака ва компетенцияни ўзлаштириши лозим. Ҳар бир талаба мавзуни бирдек ўзлаштириш имкониятига эга эмасdir, шундай экан педагог мавзуга оид минимал чегарани билган ҳолда ахборотлар кўламини, уларни мустаҳкамлаш учун ўқув топшириқларининг қийинлик даражаларини олдиндан белгилаши талаб этилади. Бу жараёнда муҳим бир қоида “автобуснинг боши ҳам, охири ҳам бир ҳил манзилга боради”ни унутмаслик лозим, яъни қайсиdir талаба “A” даражада бошқа мавзуда, яна бир талаба эса “N” даражада яна бир бошқа мавзуда билганларини гапиришидан қочиш керак. Афсуски, амалиётда бундай ҳолатлар, яъни талабага “албатта, қайсиdir баҳони қўйиш керак-ку” қабилида йўл тутиш ҳолатлари учрамоқда. Мана шаундай ҳолатларни олидини олишда вариативлик тамойили кўл келади.

**6. Бир қадам олдин тамойили.** Ушбу тамойил ўқув муҳитида таълим берувчи ва таълим олувчининг фаоллигигига устиворлик беради. Бунинг учун педагог модулга оид яқин муддатга ўзлаштирилиши режалаштирилаётган мавзуларни тақдим этади. Бунда талабалар ихтиёрий-мажбурий тарзда бўш вақтларида керакли маълумотларни ўрганишлари таклиф этилади. Маърузада бошқа талабалардан бир қадам олин юрган талабаларга ўқитувчилик ролини

берилиши ўқув мұхитини янада фаоллаштиради, жараёнда соғлом рақобатни юзага келтиради. Педагогнинг бир қадам олдин юриши эса, талабалар унинг нима қылмоқчи бўлганлиги, кейин нима топшириқ бериши қизиқарли бўлиши лозим. Бу ҳолат бир усулларни қайта-қайта қўллагандан юзага келади. Қайта-қайта бир ҳил қўллаш эса талабани зериктиради, яъни улар “ха, яна... қиламиз экан-да” деган фикрда бўлиб жарёнга совуққон ҳолатда ёндошадилар. Буни олдини олиш йўли варативликдир.

Юқорида санаб ўтилган тамойиллар шархидан кўриниб турибдики, улар маълум маънода ўқув мұхитида кесишадилар, яъни бир-бирига боғлиқдир. Энг мухими педагог инновацион таълим шароитида ушбу тамойилларнинг зарур ҳамда долзарбилигини унутмаслиги зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қодирова Ф.У. Имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг самарали технологиялари. дис.пед.фун.док. Тошкент 2020.
2. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.
3. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.
4. Харламоф И.Ф. Педагогика. – М.: “Вышнейшая школа”. 2003.271 стр. 88 стр
5. <http://www.study.uz>
6. <https://ru.wikipedia.org/wiki>